

# ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА



Қумқўрғон туманининг “Саховат” маҳалласи туман марказидан 45 км узоқликда, чегара олди ҳудудида жойлашган.

Туман ҳокимининг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси Ж. Раҳмонқулов, туман Кенгаши депутаты Р. Менгзияева, туман маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари Ш. Мамадиевлар ушбу маҳаллада бўлиб, аҳоли ҳамда ҳарбийлар билан учрашишди.

Учрашув давомида тинч юртимизнинг қадрига етиш, давлатимиз сарҳадлари ишончли қўллардалиги, уни мард, жасур, ўғлонларимиз ўз оромидан кечиб, халқимиз осойишталиги учун туну-кун қўриқлаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, огоҳлик –давр талаби эканлиги таъкидланди.

Туман ҳокимлиги томонидан аҳоли вакилларига, ҳарбий ҳизматчиларга китоблар совға қилинди.

Қумқўрғон туман ҳокимлиги Ахборот хизмати